

Ақийда дарслари (69-дарс). Рўзани тарк қилган одам охиратда жазо олишига ҳамма иттифоқ қилган



13:56 / 20.01.2020 5881

Рўза араб тилида «сиём» деб аталиб, луғавий маъноси бир нарсадан ўзини тийишни билдиради.

Шариат истилоҳида эса: «Тонг отгандан то қуёш ботгунча ният билан рўзани очувчи нарсалардан ўзини тиймоқликдир».

«Рўзани очувчи нарсалар» деганда емоқ, ичмоқ, жинсий яқинлик қилмоқ ва шу каби бошқа ишлар, умуман, рўзадор шахс ўзини тийиши лозим бўлган амаллар кўзда тутилгандир.

Рамазон ойи рўзасини тутиш ҳижрий иккинчи санада фарз қилинган.

Рамазон ойи рўзасини тутиш ҳар бир иймонли зот учун фарзи айндири.

Бу фарзни инкор этган одам, «Рамазон кунларининг бирор лаҳзасини узрсиз рўза тутмай ўтказса бўлади», деган одам кофир бўлади.

Рўзанинг фарзлигини тан олиб туриб, уни тарк қилган одам ҳақида ихтилоф қилинган.

Баъзи тоифалар: «Бир кунлик рўзани бўлса ҳам дангасалик қилиб тарк қилган одам кофир бўлади», деганлар.

Жумҳур уламолар эса: «Бундай одам кофир бўлиб, мусулмонлик доирасидан бутунлай чиқиб кетмайди-ю, осий ва фосиқ бўлиб, икки дунёнинг уқубатига сазовор бўлади», деганлар.

Рўзани тарк қилган одам охирада ҳар бир тарк қилган рўзаси учун жазо олишига ҳамма иттифоқ қилган.

Шунингдек, бу дунёда Рамазон рўзасининг ҳар бир тутилмай қолган куни учун каффорот адо қилиши шартлигига ҳам барча уламолар иттифоқ қилишган.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан